

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**



**«ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»  
ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ**

***ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ***

**22 апрель 2016 йил**

**Тошкент - 2016**

## МУНДАРИЖА

«Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни»  
 Республика иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани.  
 7. Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва менежменти. Маъруза тезислари  
 тўплами. –Т.: ТДТУ, 22 апрель, 2016.

Ушбу тўпламга 2016 йил 22 апрелда ўтказилган «Фан ва техника  
 тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни» Республика иқтидорли  
 талабаларнинг илмий-амалий анжуманининг «Ишлаб чиқариш  
 иқтисодиёти ва менежменти» шўъбасида иштирокчи-талабаларнинг  
 профессор-ўқитувчилар илмий раҳбарлигида ёзилган илмий мақолалари  
 киритилган.

1.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамova М.А., ТДТУ. Рақобат шароитида махсулотларни тижоратлаштиришда инновацион маркетингни ахамияти.....	7
2.	ИМФ талабаси Абдуқаюмов Х.Ғ., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	11
3.	Студент ФЭМ Зойиров О.М., научный руководитель д.э.н., проф. Саид-Джалолов Д.Р., ТГТУ. Особенности и тенденции развития информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане.....	13
4.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хусайнов Р.Р., ТДТУ. Саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини кўтаришда маркетинг стратегиялари ва тадқиқотларидан фойдаланиш.....	16
5.	Студент ФТУТК Махмуджонova М.М., научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Мировой опыт использования бенчмаркинга для развития автомобилестроения.....	19
6.	ИМФ талабаси Камолов Ф., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Исхаков Б.А., ТДТУ. Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар – иқтисодиётимиз ривожланишининг гаровидир.....	21
7.	Студентка ФЭМ Закирходжаева М., научный руководитель к.э.н., доц. Исхаков А.К., ТГТУ. Вопросы обеспечения качества управления и конкурентоспособности предприятия.....	22
8.	Студентка ФЭМ Инагамова М.Р., научный руководитель к.э.н., доц. Умарова Д.М., ТГТУ. Современные подходы к разработке стратегии диверсификации машиностроительных предприятий Республики Узбекистан.....	26
9.	Студент ФЭМ Қаюмов Ж.Ж., научный руководитель к.э.н., доц. Ибрагимова С.А., ТГТУ. Концепция и основные виды стоимостной оценки бизнеса.....	30
10.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хашимова С.Н., ТДТУ. Мехнат миграцияси ва унинг иқтисодиётга таъсири.....	32
11.	Студентка ФЭМ Раҳимова З.Х., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Совершенствование эффективного использования основных промышленно-производственных фондов.....	35
12.	Студентка ФЭМ Ташмухамедова К., научный руководитель ст. преп. Турсунова Н.Х., ТГТУ. Организация системы финансов предприятия.....	37
13.	ИМФ талабаси Юсубжанова Г.О., ТДТУ илмий раҳбар кат.ўқ. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Корхоналар иқтисодий ночорлигини тартибга солишда хориж тажрибалари.....	40
14.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат.ўқ. Урманова Д.Т., ТДТУ. Корпоратив низолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	42

15.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат.ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ. Энергетика корхоналарида ахборот технологияларини қўллашнинг жиҳатлари.....	44
16.	ЭАФ талабаси Тоирхўжаев И.Ж., илмий раҳбар кат.ўк. Ташходжаева М.Д., ТДТУ. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияни жалб этишда солиқнинг роли.....	48
17.	Студентка ФЭМ Абдурашитова Я., научный руководитель ст. пред. Аллаева Г.Ж., ТГТУ. Перспективы формирования энергоэффективной структуры промышленного производства.....	52
18.	Студент ФЭМ Аскарлов А.Р., научный руководитель ст. пред. Муратова О.М., ТГТУ. Эффективная организация рекламной деятельности.....	55
19.	ИМФ талабаси Каххаров Ж.Р., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Интеллектуал маркетинг - рақобатбардошликни шакллантириш омили сифатида.....	58
20.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат.ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ. Олтин ва кумуш – нодир металл сифатида аналитик таҳлили.....	65
21.	Студент ФЭМ Зойиров О.М., научный руководитель д.э.н., проф. Саид-Джалолов Д.Р., ТГТУ. Разработка предложений по совершенствованию маркетинговой деятельности на основе внедрения информационных технологий.....	69
22.	Студентка ФТУТК Махмуджоновна М.М., научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Автомобильная промышленность как движущая сила мировой экономики и её значение для роста национальной экономики.....	71
23.	Студентка ФЭМ Усарова С., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Оптимизация управления логистики в промышленном предприятии.....	74
24.	ИМФ талабаси Ҳақназаров Д., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Кончилик корхоналарида маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг иқтисодий хусусиятлари.....	76
25.	ИМФ талабаси Мамажонов О.Р., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хашимова С.Н., ТошДТУ Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялар аҳамияти.....	78
26.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Саноат корхоналарида маркетинг стратегиясининг асосий йўналишлари.....	81
27.	ИМФ талабаси Олтибоев Ф.Ш., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Саноат корхоналарида чет эл инвестицияларини жалб этиш йўналишлари.....	82
28.	ИМФ талабаси Абдуллаева Д.Т., илмий раҳбар кат. ўк. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Корхоналар иқтисодий нозорлигининг асосий омили.....	84
29.	ИМФ талабаси Самандаров Т.А., илмий раҳбар кат. ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ. Брендингга методологик ёндашув – корхонанинг рақобатли устулигини ривожлантиришнинг янги босқичи сифатида.....	86

30.	ИМФ талабаси Курбонлов А.Ж., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Саноат корхоналарида нарх сиёсатини такомиллаштириш.....	88
31.	Студентка ФТУТК Махмудова Д.Р., ТАДИ научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Обоснование методов совершенствования мотивации и стимулирования труда работников маркетинговой службы автотранспортного предприятия.....	90
32.	ИМФ талабаси А. Рахматов., илмий раҳбар доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida real sektor korxonalarida marketing faoliyatini tashkil etish.....	95
33.	Студентка ФЭМ Усарова С., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Прямые иностранные инвестиции в промышленность Узбекистана.....	97
34.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат. ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ. Саноат корхоналарида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш.....	99
35.	ИМФ талабаси Азизов С.С., илмий раҳбар кат. ўк. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларнинг роли.....	100
36.	ИМФ талабаси Қанонов Ж.Ж. ТДТУ илмий раҳбар и.ф.н., доц. С.А. Ибрагимов, ТДТУ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида рақобатдошликни ошириш йўллари.....	104
37.	ИМФ талабаси Курбонлов А.Ж., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Ўзбекистон Республикасида кончилик корхоналари маҳсулотларига нархларини шакллантиришни такомиллаштириш.....	107
38.	ИМФ талабаси Олтибоев Ф.Х., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамова М.А., ТДТУ. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	109
39.	Студент ФЭМ Абдуразақов Ж., ТГТУ научный руководитель доц. к.э.н. Якубова Д.М., ТГТУ. Значение иностранных инвестиций в структурных преобразованиях экономики.....	110
40.	Студентка ФЭМ Ташева М., научный руководитель ст. пред. Аллаева Г.Ж., ТГТУ. Роль инвестиций в развитии энергетической промышленности Республики Узбекистан.....	113
41.	ИМФ талабаси Тоирхўжаев И.Ж., илмий раҳбар кат. ўк. Ташходжаева М.Д., ТДТУ. Юридик шахслар мол-мулк солиғи: умумий тушунча ва иқтисодий мазмуни.....	116
42.	ИМФ талабаси Жуманазаров М.И., ТДТУ илмий раҳбар катта ўқувчи Шагаипова Г.З., ТДТУ. Инновацион маркетингда интернет технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги.....	127
43.	ИМФ талабаси Раҳмонкулова Г. М., ТДТУ илмий раҳбар и.ф.н., доц. Ибрагимова С.А., ТДТУ. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	130

44.	ИМФ катта ўқитувчи Саманов А.А., ТДТУ. Техника соҳасидаги таълим жараёнига маркетинг фанини тадбиқ этилишининг самарадорлиги.....	135
45.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., ТДТУ илмий раҳбар кат.ўқ. Урманова Д.Т., ТДТУ. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий этишда модернизациялаш жиҳатлари.....	139
46.	ИМФ талабаси Кутфиддинов Р.Х., илмий раҳбар кат.ўқ. Шагайпова Г.З., ТДТУ. “Ўзбекэнерго” ДАКда маркетинг тизимини қўллашнинг замонавий ҳолатини иқтисодий таҳлили.....	145
47.	ФЭМ старший преподаватель Ташходжаева М.Д., ТДТУ. Система социальной защиты населения в Узбекистане.....	147
48.	ИМФ талабаси Муродов У., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хашимова С.Н., ТДТУ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қора металлургия тармоғида инновацион фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўллари.....	150
49.	Студент ФЭМ Юлдашев А., научный руководитель ст.преп. Гаипова М.Т., ТГТУ. Особенности рекламы и маркетинга в банке.....	152
50.	Студент ФЭМ Хидоятлов У.И., научный руководитель ст.преп. Гаипова М.Т., ТГТУ. Зарубежный опыт привлечения инвестиций в реальный сектор экономики.....	158
51.	Студентка ФЭМ Инагамова М.Р., научный руководитель к.э.н., доц. Умарова Д.М., ТГТУ. Проблемы формирования стратегии диверсификации предприятия.....	161
52.	Студентка ФЭМ Инагамова М.Р., научный руководитель к.э.н., доц. Умарова Д.М., ТГТУ. Сущность стратегии управления диверсификациями предприятия.....	163
53.	Студент ФЭМ Саиджалалов Х.С., научный руководитель ст.преп. Гаипова М.Т., ТГТУ. Роль маркетинговых стратегий в повышении качества менеджмента предприятий.....	166

қиррали ва динамик бўлган мураккаб ходисадир. Бу билан маркетингни тамойилларига ва функцияларига, унинг асосига бир универсал термин билан тўлиқ ва адекват тушинтириш бериб бўлмаслиги тушунтирилади.

Шунга қарамай буюк мутахассис олимлардан бири Ф.Котлер маркетинг тушунчаси ҳақида қуйидагича таърифни келтириб ўтади: маркетинг – бу товарларни тақдим этиш ва алмаштириш билан алоҳида бир индивидлар ва гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ижтимоий ва бошқарув жараёнидир. Ушбу таърифнинг асосий тушунчалари – зарурат, эҳтиёж ва талаб; маҳсулот; харажатлар ва қондириш; алмашув, трансакциялар ва ўзаро муносабатлардир.

Буюк Британиянинг маркетинг жамоа институти маркетингга “истеъмолчининг талабларини аниқлаш, башорат қилиш ва қондиришга шунингдек даромад олишга йўналтирилган бошқарув жараёни” деган таърифни беради. Шу каби бозор муносабатлари ривожланган давлатлар ҳам маркетингни тахминан ушбу категорияларда аниқлаштирилади.

Маркетинг соҳасини ривожлантириш учун бошқарув муаммолари бўйича етакчи назариячилардан бири Петер Друккер бу ҳақида шундай дейди: маркетингнинг мақсади – сотиш уринишларни бекор қилиш. Унинг мақсади – мижозни шундай ўрганиш тушуниш керакки, товар ёки хизматлар унинг аниқ тўғри келиши ва ўзини-ўзини сотишлари мумкин бўлади.

Маркетингнинг туб маъносидан асосий тамойиллар келиб чиқади. Бироқ маҳаллий ва хориж адабиётларида “маркетинг тамойиллари” остида ҳар қил маънолар ётади. Турли муаллифларнинг қарашларини кўриб чиқиб ва солиштириб қуйидаги асосий тамойилларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин;

1. Иқтисодий қарорларни қабул қилишда эҳтиёжларни, талабнинг ҳолати ва динамикасини ва бозор конъюктурасини ҳисобга олиш.
2. Ишлаб чиқаришни бозор талабларига, талабнинг структураси (тузилиши)га мослашиши учун максимал шарт-шароитлар яратиб бериш.
3. Барча ишлатилиши мумкин бўлган, авваломбор реклама орқали бозор ва харидорларга таъсир этиш.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бозор иқтисодиётига асосланган янги иқтисодий-ижтимоий муносабатлар шаклланиб, хусусий мулк ва кичик бизнеснинг ўрни ва аҳамияти тобора мустаҳкамланиб бораётган айни вақтда саноат тармоқларида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш ҳамда бу соҳада маълум натижаларга эришишда, бўлажак ёш мутахассислар учун қулай бизнес муҳити ва янги-янги имкониятлар яратилаганлиги алоҳида эътироф этиш лозимдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга оширилиши ёшларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳиссаларини янада оширишда, меҳнат бозорида иштроқини фаоллаштиришда, уларнинг

миллий мафкура ҳамда умумхалқ манфаатларининг фаол курашчисига айланишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Шунингдек бўлажак ёш мутахассислар маркетинг бўйича етарли даражада кўникма ҳосил қилишлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига янада кенгроқ жалб қилинишлари давр талаби эканлигини инобатга олган ҳолда, олий таълим муассасаларидаги талабаларга ва ўрта-маҳсус ўқув юрглари ўқувчиларига эътиборни кучайтириш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиради ва албатта аҳолини бандлик муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

#### Адабиётлар

1. Президент И.А. Каримовнинг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // 15.01.2016 й. “Халқ сўзи” газетаси // 18 январь 2016 й
2. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференциядаги маърузаси. // “Халқ сўзи” газетаси 15 сентябрь 2012 йил № 182-183
3. Саманов А.А., Исхаков А.Қ., Нажмиддинова Н.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш асослари. // Ўқув услубий қўлланма Т.:ТДТУ, 2011 й, 54 бетлар.
4. www.potma.uz.

ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., ТДТУ  
Илмий раҳбар катта ўқувчи Урманова Д.Т., ТДТУ

#### САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МУАММОЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республикада корпоратив бошқарув «Акциядорлик жамият ва акциядорларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган Қонунга асосланади.

Корпоратив бошқарувни республикада энг кўп тарқалган иқтисодий самарали шакли акциядорлик жамияти бошқаруви ҳисобланади. Бошқарувнинг бир шакли бошқа турли мулк шаклига асосланган ишлаб чиқариш бошқарувдан тубдан фарқ қилади. Бундай бошқарув шакли қолган турли мулкчиликка асосланган бошқарувдан нима билан фарқланади деган савол пайдо бўлади. Бунинг фарқи шундан иборатки, акциядорлик жамияти субъектларни турли ҳажмда акциядорлар жамиятини ташкил этиш учун қўйилган пул маблағлари билан ва улар биргаликда ташкил топган акциядорлар мулкни, иложи борича, самарали

бошқариш натижасида юкори даражада фойда олишга эришиш ва унинг тақсимогида дивидендлар хиссасини ўсиб боришига қаратилган.

Акциядорлик жамиятини бошқаруви, шу жамиятга аъзо бўлган акциядорлар манфаатларини кондира оладиган даражада олиб борилишини талаб этади. Бу бошқарув акциядорлар жамиятининг олий бошқарув ташкилоти акциядорлар мажлиси орқали амалга оширилади. Бу олий бошқарув мажмуаси акциядорлик жамиятаъзоларини ва жамият манфаатдорлигини таъминлаши керак. Корпоратив бошқарувини, асосий шартлари қуйидагилардан:

- бошқарувни хакикатгуйлиги корпоратив ишлаб чиқаришни самарали олиб боришни, эркинлашган ракобатни шаклланиши шароитларини яратишда унинг ҳамма аъзоларини катнашишини таъминлашда;

- корпоратив ишлаб чиқариш ва иктисодий фаолиятини очикдигига асосланишига;

- корпорация субъектлари ўртасида уларнинг вазифалари ва амалга ошириш ҳуқуқлари, бажарувчи булимлари кўзатув кенгашига ва акциядорлар жамиятига буйсунишида;

- раҳбар ва шахсларни корпорация фаолияти билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул этишда уларнинг жавобгарлигидан иборатдир.

Корпоратив субъектлардан Ўзбекистон Республикасида кенг ривожланаётган шакли—бу акциядорлар жамиятидир. Уни бош; арувни ташкил этиш механизмларини корхоналарни бошқариш механизмларидан тубдан фарқ қилади.

Акциядорлар жамиятининг кузатув кенгаши эса асосан, акциядор жамиятининг бошқариш ташкилоти фаолиятини назорат қилиб бориш вазифасини бажаради.

Шу билан бирга, акциядорлик жамияти бошқарув ташкилоти бўлиб, бу ташкилот акциядорлик жамияти фаолиятларини уларга буйсунмайдиган мустақил тафтиш этувчи аудиторларни таклиф қилиш орқали жамиятнинг фаолиятига баҳр бериш билан шугулланадилар.

Корпоратив ҳуқ-атвор кодексининг қабул қилиниши билан акциядорлик жамиятлари амалиётида ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар биринчи ўринга чиқди. Корпоратив муносабатларга нисбатан бу ахлоқий талаблар ушбу соҳада ҳар хил томонларнинг манфаатлари тўқнаш келиши билан боғлиқ айрим хусусиятларга эга.

Компанияларда корпоратив маданият ахлоқ-одоб (этика) таъсири остида шаклланади ва ривожланади (бу одамларнинг ахлоқий меъёрлар, бир-бирига ва жамиятга муносабати тизими). Ўзбекистонда ҳозирги пайтда компанияларнинг учта асосий гуруҳи ажратиб кўрсатилади:

1) бозор муҳитида хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейинги жараёнлари натижасида шаклланган компаниялар;

2) бозор иктисодиёти шароитларида вужудга келган ва ривожланган компаниялар;

3) табиий монополияларга мансуб компаниялар.

Бу гуруҳларнинг ҳар бирида ушбу бизнеснинг асосий вазифалари таъсири остида ишбилармонлик ахлоқи хусусиятлари шаклланган.

Ишбилармонлик ахлоқи – тадбиркорлик фаолияти меъёрлари ва ахлоқий тамойиллар йиғиндиси, бизнесдаги асосий «ўйин қоидалари», уларсиз бизнес муаммоли, рискли ва олдиндан айтиб бўймайдиган бўлиб қолади. Ишбилармонлик ахлоқи – акциядорлар, директорлар Кенгаши, менежерлар, компания ходимлари ва корпорациянинг бошқа манфаатдор томонлари: товар ва хизматлар таъминотчилари, дистрибьюрлар, сотувчилар, якуний истеъмолчилар, маҳаллий аҳоли ва ҳукумат органлари ўртасида муносабатлар мураккаб тизимни тартибга солувчи жиддий омилдир.

Жаҳон амалиётида йирик бизнес юритиш учун корпоратив бошқарувдан фойдаланиш зарур бўлган ва корпорация узок муддатли жараёнда шаклланган. Мутахассислар умумжаҳон тенденцияларида корпорациялар шаклланишини қуйидаги учта асосий босқичга ажратиб кўрсатадилар:

Биринчи босқичда фан ва техника тараққиётининг амалга ошиши.

Иккинчи босқичда фан ва техника тараққиёт натижаларини бизнесга айлантиришда мулк эгаларининг бирлашуви.

Учинчи босқичда халқаро майдонда мулк эгаларининг бизнес кўламини кенгайтириш мақсадидаги иштироки.

XX асрда корпорация машина сифатида кўриб чиқилган, ходимлар ва бошқарувчилар бу машинанинг қисмлари ҳисобланган. Бу даврда бошқарувнинг механистик модели ҳукмронлик қилган. Ушбу даврга қуйидаги шароитлар хос бўлган:

- корпорация эгаси ходимлар устидан чексиз ҳукмронлик қилган ва уларнинг хоҳишига кўра бошқарув амалга ошган;

- ходимларнинг малака даражаси жуда паст бўлган ва такомиллашув учун рағбатлар бўлмаган;

- маълумот ва сўровлар даражаси паст бўлган, ишсизлик билан боғлиқ иктисодий муҳтожликлар таҳдиди мунтазам бўлган.

Корпоратив бошқарувнинг бошланғич назарий асослари агентлик назарияси (Agency Theory), шериклар назарияси (Stakeholder Theory), бошқарув назарияси (Stewardship Theory), ташкилий назарияси (Organization Theory) ҳисобланади.

Корпоратив бирлашмаларнинг энг кенг тарқалган шакллари қуйидагиларни ташкил этади:

1. *Ассоциация*. Мустақиллиги сақланиб қолган ҳолда ҳамкорлик қилиш мақсадида жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг бирлашуви.

2. *Консорциум*. Корпорациялар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг

умумий келишуви асосида капитал сизими катта бўлган лойиҳани амалга ошириш ёки биргаликда заём жойлаштириш учун (буюртмачилар олдидан биргаликда жавобгар бўлади) вақтинчалик бирлашуви.

3. *Концерн*. Манфаатлар умумийлиги, шартномалар, капитал, қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ корхоналарнинг йирик бирлашуви (кўпинча бундай гуруҳ бу корпорациялар акцияларига эгалик қилувчи холдинг атрофида бирлашади).

4. *Синдикат*. Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотни умумий савдо тармоғи орқали жамоавий сотишни ташкил қилиш мақсадида бирлашуви.

5. *Молия саноат гуруҳлари* (МСГ). Белгиланган тартибда мос келувчи идораларда рўйхатга олинган юридик жихатдан мустақил, моддий ресурслари ва капиталларини умумий иқтисодий мақсадга эришиш учун бирлаштирган корхоналар, молиявий ва инвестиция институтлари гуруҳи. МСГда марказий (бош) корпорация ихтисослашган ташкилот – “бошқарувчи компания” ҳам, гуруҳга кирувчи ишлаб чиқариш корхонаси ёки бирлашма, банк, молия ёки суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин.

6. *Холдинг*. Акциялар назорат пакетига эга, уларнинг операциялари устидан назоратни амалга ошириш мақсадида бошқа компания ва корхоналар фаолиятини бошқарадиган ёки назорат қиладиган акциядорлик компанияси. Холдинг компанияси ўзининг ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлмаслиги ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланмаслиги мумкин.

Корпоратив бошқарувнинг қўйидаги моделлари мавжуд:

1. **Унитар модел:** бошқарувнинг ягона органи – унинг таркибида ижро этувчи директорлардан кўра мустақил директорлар кўпроқ бўлган унитар Директорлар Кенгаши (бунда: 24 – 30 % акция харакатсиз, узок вақт кичик корхоналар қўлида бўлади ва назорат пакетини шакллантиради, 70-80 % акция харакатчан, вақти-вақти билан бозорга олиб чиқилиб ошқора сотилади); жисмоний шахсларга қарашли бўлмаган акциялар асосан институционал инвесторлар қўлида жамланган; қимматли қозғалар бозори юқори самарадорлиги ва ликвидлиги билан ажралиб туради; миноритар акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юқори даражада; жалб қилинган директорлар иштирокида кучли корпоратив бошқарув.

2. **Икки поғонали модел** (инсайдерлик). Раҳбарлик ва ижрочилик органини Кузатув кенгаши (Директорлар кенгаши) ва ижроия органи ташкил этади; кенгаш аъзолари ижроия органида аъзо бўлиши мумкин эмас.

3. **Континентал модел:** Доимий эгаларда 70 - 80% акция жамланган, 20 - 30% акция эса “чакана” сотилади ва харидорлар уларга маблағларни вақтинча жойлаштириш воситаси сифатида қарайдилар, акциядорлик сармоясини йирик “улгуржи” инвесторлар ташкил қилиб, бир - бирининг акциясига ўзаро эгалик қилиш (кучли қарамлик) тизими кенг ривожланган, Кузатув кенгашида компания ходимларининг салмоқли вақиллиги; узокни

кўрадиган инвесторлар; Қимматли қозғалар бозори кичикроқ ва ликвидлиги камроқ.

4. **Тармок (япон) модел:** ушбу япон модели директорлар кенгаши таркибида мустақил директорлар бўлмасдан, Кенгашнинг барча аъзолари юқори бошқарув органи вақиллари ёки эски бошқарувчилардир; акциядорлик сармоясини асосан йирик инвесторлар ташкил қилиб, ягона саноат гуруҳига аъзо бўлган компанияларнинг ўзаро акцияларига эгалик қилиш ҳолати муҳим ўрин тутаети, шахслараро муносабатлар кучли муҳим аҳамиятга эга; инсайдерларнинг етакчилиги.

Корхона корпоратив бошқарувида ушбу моделлардан ички ва ташқи имкониятларни, бирлашувдаги корхоналарнинг капиталлашувини, корхонанинг ривожланиш ва рақобатлашув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда қўллайди.

ИМФ талабаси Қутфидинов Р.Х., ТДТУ  
Илмий раҳбар кат.ўқ. Шагаипова Г.З., ТДТУ

#### ДАК “ЎЗБЕКЭНЕРГО” ДА МАРКЕТИНГ ТИЗИМИНИ ҚўЛЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИНИ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

Йирик ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлган мамлакатимиз энергетикаси - бутун халқ хўжалиги комплексининг ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатиб келмоқда. Ялпи электрлаштириш Ватанимиз шаҳарлари ва вилоятларининг ишлаб чиқариши ва инфратузилмасини ривожлантиришга, халқ хўжалигининг барча тармоқларини индустриал юксалтиришга имкон берди.

Ўзбекистон электрэнергетикаси 2001 йилдан бошлаб “Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатиб келмоқда ва ўз ичига кўмир саноати корхоналарини ҳам олган.

Компания таркибига 53 та корхона ва ташкилот, шу жумладан 39 та очик акциядорлик жамияти, 11та унитар корхона, 2 та масъулияти чекланган жамият ва компаниянинг “Энергосотиш” филиали киради. Ҳозирда хусусийлаштириш мумкин бўлган, компания таркибига кирган корхоналарнинг иккитасидан ташқари ҳаммаси давлат тасарруфидан чиқарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги “2006-2008” йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида”ги ПП-407 сонли Қарорига мувофиқ, “Толимаржон ИЭС” корхонасини давлат тасарруфидан чиқариш 2007 йилда амалга оширилади, “Тошкент ИЭС” унитар корхонасини эса 2008 йилда давлат тасарруфидан чиқариш режалаштирилмоқда.